



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОСИННИНГ МАМЛАКАТ ХУДУДИДАН ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛИШНИ ЁКИ БОШҚА ДАВЛАТГА БЕРИЛИШНИ ТАЪҚИҚЛОВЧИ МИЛЛИЙ НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Юлдашев Джахонгир Хайитович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи,

юридик фанлар доктори, доцент

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7805207>

ARTICLE INFO

Received: 26th March 2023

Accepted: 05th April 2023

Online: 06th April 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Халқаро стандартлар ва ҳуқуқ меъёрларига кўра, ҳар бир фуқаро у фуқароликни қандай асослар билан қўлга киритганидан қатъий назар давлат ўз ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва унга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. “Фуқаролик” шахсининг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисиди ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасидир.

Шахсининг фуқаролик мақомига доир ҳуқуқий принципларнинг ички қонунчиликда мустаҳкамланиш даражаси унинг юридик кафолатлари яратилишига пойдевор бўлади. Шу асосда, республикада фуқароликка доир муносабатларнинг конституциявий даражада тартибга солинишининг илмий асосларини пухта ўрганиш талаб этилади. Бу борада халқаро стандартлар ва меъёрлар, ўзига хос тажрибага эга давлатларнинг қонунчилигини қиёсий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (08.12.1992) нормаларида фуқаролик институти учун алоҳида боб (VI боб. Фуқаролик) ажратилишига қарамасдан, фуқароликка доир ҳуқуқларни кафолатловчи асосий қоидалар тўлиқ ўз аксини топмаган. Жумладан, унда фақатгина ягона ва тенг фуқаролик (21-модда), ҳуқуқий ва дипломатик ҳимоя (22-модда) принциплари назарда тутилган, холос. Мазкур ҳолат С.А. Акимова таъкидлаганидек, “конституциявий даражада белгиланмаган принциплар миллий фуқаролик институтлари ва қоидалари мазмунини яратишга тўсқинлик қилиб, уларга зарур бўлган аниқлик ва эътиборни сусайтиради”¹.

Фуқаронинг мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилишини ёки бошқа давлатга берилишини таъқиқлаш принципи замонавий ҳуқуқ назарияси олдида турган баҳсли масалалардан бири ҳисобланади. Хорижий давлатлар қонунчилигида жиноят содир этган ўз фуқаросини экстрадиция қилиш (ушлаб бериш) мажбурияти борасида аниқ ёндашувни топиш қийин.

¹ Акимова С.А. Особенности конституционного закрепления принципов регулирования отношений, связанных с гражданством // Вестник Московского университета МВД России. — 2013. — № 6. — С. 54.



АҚШ, Албания, Буюк Британия, Италия, Колумбия, Мальта, Чили, Япония давлатлари ўз фуқароларини топширишга рухсат беради². Ушбу масала юзасидан В.С. Выскуб: “юридик доктринада фуқаролик олиш мақсади ва вақтидан қатъий назар кўпчилик давлатлар ўз фуқаросининг экстрадиция қилинишини рад этиш бўйича ягона ёндашувга эга. Муҳими экстрадиция ҳақидаги сўров олинган вақтда шахснинг фуқароликка эга бўлиши” деган қарашни илгари суради³.

“Шахсни мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш” унинг кейинчалик давлатга кириш ҳуқуқини чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишини англатади. Мазкур ҳолат юридик атамашуносликда “депортация” ва “маъмурий тарзда чиқариб юбориш” тушунчалари орқали изоҳланади. Бундай чоралар ижтимоий хавфли қилмиш (жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик) содир этган хорижий шахсларга нисбатан қўлланилиб, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан миллий фуқаролик мақомига эга бўлган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Масалан, Қирғизистон (50-м. 4-қ.), Молдова (18-м. 2-қ.), Озарбайжон (53-м. 2-қ.), Россия (61-м. 1-қ.), Туркменистон (10-м. 2-қ.), Украина (25-м. 2-қ.) конституциялари фуқаронинг бошқа давлатга (ушлаб) берилишини қатъий равишда тақиқлайди. Беларусь (10-м. 2-қ.), Грузия (13-м. 4-қ.), Қозоғистон (11-м. 2-қ.), Латвия (98-м.), Литва (13-м. 2-қ.) ва Тожикистон (16-м. 1-қ.)нинг конституциявий нормаларида фуқаронинг фақатгина халқаро шартнома ва икки томонлама тузилган битимларга асосан бошқа давлатга топширилиши мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, Грузия (13-м. 4-қ.) ва Эстония (36-м. 1-қ.) қонунчилиги фуқаронинг бошқа давлатга (ушлаб) берилиши юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мавжудлигини ҳам назарда тутди.

Бирор бир давлат ҳудудида бўлиб турган шахсни хорижий давлатга ушлаб бериш (экстрадиция) жиноий хатти-ҳаракат содир этиш оқибатида юзага келувчи ҳолат бўлиб, аксарият халқаро ҳужжатларда давлат ўз фуқароси томонидан бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун уни топширишга мажбур эмаслиги қайд этилган.

Бундай қоидаларни:

1) БМТ Бош Ассамблеясининг 1973 йил 3 декабрдаги 2187 ялпи мажлисидаги 3074-сон резолюцияси билан қабул қилинган “Халқаро ҳамкорлик принциплари”нинг 2-банди (ҳарбий ва инсониятга қарши жиноятларда айбдорларни топшириш бўйича);

2) МДҲ давлатлари ўртасида тузилган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги конвенциянинг 89-моддаси 1-қисми “а” банди (2002 йил 7 октябрдаги хулоса, Кишинев);

3) “Экстрадиция тўғрисида”ги Европа конвенциясининг 6-моддаси (1957 йил 13 декабрдаги № 24 хулоса, Париж);

4) БМТ Бош Ассамблеясининг № 45/116-сон резолюцияси билан тасдиқланган “Экстрадиция тўғрисида”ги намунавий шартноманинг 4-моддаси “а” банди ва бошқа ҳужжатларда кузатиш мумкин.

² Попаденко Е. Выдача лиц в международном уголовном праве // Уголовное право. — 2013. — № 1. — С. 60–65.

³ Выскуб В.С. Конституция Российской Федерации в свете проблем экстрадиции // Конституционное и муниципальное право. — 2014. — № 8. — С. 25–26.



Шу билан бирга, Қирғизистон, Молдова, Озарбайжон, Россия, Туркменистон, Украина давлатлари конституциялари қоидалари фуқаронинг бошқа давлатга (ушлаб) берилишини қатъий равишда тақиқлайди. Ушбу масала юзасидан В.С. Выскуб: “юридик доктринада фуқаролик олиш мақсади ва вақтидан қатъий назар кўпчилик давлатлар ўз фуқаросининг экстрадиция қилинишини рад этиш бўйича ягона ёндашувга эга. Муҳими экстрадиция ҳақидаги сўров олинган вақтда шахснинг фуқароликка эга бўлишидир” деган қарашни илгари суради⁴.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 603-моддаси талабларига мувофиқ, агарда ўзига нисбатан сўров келиб тушган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса уни хорижий давлатга ушлаб беришга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, эътироф этиш лозимки мазкур масала миллий конституциявий нормаларимиз даражасида мустаҳкамлаб қўйилмаган.

Бу эса, *биринчидан*, давлатнинг ўз фуқароларини экстрадиция қилиш масаласидаги позициясини, *иккинчидан*, ички қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлик даражасини очиқ ифодалаш имконини бермайди.

Умуман олганда, таҳлиллар халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилигимиз талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилишига йўл қўйилмаслигини ифодаловчи конституциявий қоидаларни яратиш заруратини кўрсатади.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни лойиҳасининг 23-моддаси иккинчи қисмида *“Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас”* деган норманинг киритилганлиги ўйлаймизки, юқори таҳлил этилган муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилади.

⁴ Выскуб В.С. Конституция Российской Федерации в свете проблем экстрадиции // Конституционное и муниципальное право. – 2014. – № 8. – С. 25–26.